

ЯПОН ГРАВЮРАСИ УКИЁ-Э (ЯП. 浮世絵,) ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖИ



Каланов Аслиддин Джураевич

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19381638>

Аннотация. Мазкур мақолада Гравюра - япон тасвирий санъатининг энг машхур тури ҳисобланган Япон гравюраси, (маданият термини билан - укиё-э (ukiyo- яп. 浮世絵,) деб аталади,) ҳақида сўз боради. Япон гравюраси Эдо даврида (1603-1868й.й.) пайдо бўлади ва ривожланган. Укиё-э – бу жанр усули ксилографияга, ёғочга ишланган гравюрадан босма графикада қоғозга туширилган нусхасига мансуб. Укиё-э яратган рангтасирчи ва график рассом Хисикава Моронобу ҳисобланади. Япон гравюраси ўзининг ривожлашининг дастлабки босқичида янги кирралари билан характерланади. Ҳеч қандай ортиқча нарса ўйлаб топилмаган, эмоция ва фикр-ғоялар очик, самимий ифодаланган. Техник усуллар ва амалий-назарий билимлар илк бор тўқнаш келиб эгалланиши, шунга қарамасдан япон усталар кўп янгиликларни ихтиро қилганлари таҳсинга сазовордир.

Калит сўзлар: Укиё-э, гравюра, ксилография, аёллар образи, ҳаракат, пластика, инсонлар қомати, қушлар, манзара, гуллар, сюжет, қоғоз, ранг.

Аннотация. В данной статье рассматривается наиболее популярный вид японского изобразительного искусства – японская гравюра (в культурном плане – укиё-э (яп. 浮世)). Японская гравюра появилась и развивалась в период Эдо (1603-1868). Укиё-э – это жанровая техника, родственная ксилографии, копии гравюры на дереве, напечатанной на бумаге. Создателем укиё-э является живописец и график Хисикава Моронобу. Японская гравюра характеризуется новыми гранями на начальном этапе своего развития. Ничего лишнего не изобретается, эмоции и мысли выражаются открыто и искренне. Заслуживает похвалы то, что технические методы и практические и теоретические знания впервые столкнулись и были освоены, и тем не менее японские мастера изобрели множество нововведений.

Ключевые слова: Укиё-э, гравюра, ксилография, женские образы, движение, пластика, фигуры людей, птицы, пейзаж, цветы, сюжет, бумага, цвет.

Abstract. This article examines the most popular form of Japanese fine art – Japanese printmaking (culturally known as ukiyo-e (Japanese: 浮世絵)). Japanese printmaking emerged and developed during the Edo period (1603-1868). Ukiyo-e is a genre technique related to woodblock printing, a copy of a woodblock print printed on paper. The creator of ukiyo-e is the painter and printmaker Hishikawa Moronobu. Japanese printmaking is characterized by new facets during its early development. Nothing superfluous is invented; emotions and thoughts are expressed openly and sincerely. It is commendable that technical methods and practical and theoretical knowledge were first encountered and mastered, yet Japanese masters nevertheless invented many innovations.

Keywords: ukiyo-e, woodcut, woodcut, female figures, movement, sculpture, human figures, birds, landscape, flowers, subject matter, paper, color.

Гравюра - япон тасвирий санъатининг энг машхур тури ҳисобланади Япон гравюраси, маданият термини билан - укиё-э (ukiyo- [яп. 浮世絵](#).) деб аталади, сўзма сўз таржимаси “сузаётган, ўткинчи дунё” буддизм фалсафаси билан боғлиқ, вақтинчалик, кўз очиб ёпгунчалик тез ўтиб кетадиган, ўлимли дунё эканлигига қарамасдан завқланиш, роҳатланиш деган тушунча беради. Буддизм фалсафасининг китобий ифодаси бўйича вақтинчалик, ўткинчи, ўлимли ва осонлик билан вайронага айланиши мумкин бўлган ер дунёси, кўриб турганиздек маъно фикрлар бир мақсадни англатади. Эдо даври (1603-1868й.й.) бошланиши “енгил ҳаёт кварталлари” пайдо бўлиши билан тушунчаларга қайта кўшимча киритилди “ бир зум, қисқа ҳодисалар дунёси “ маъноси англатади. “Укиё-э” сўзини дастлаб ёзувчи Асай Рёи томонидан 1661 йилда ишлатилган. Укиё-э – бу жанр усули ксилографияга, ёғочга ишланган гравюрадан босма графикада қоғозга туширилган нусхасига мансуб. Укиё-э яратган рангтасирчи ва график рассом Хисикава Моронобу ҳисобланади.

Укиё-э дан олдин эҳон – иллюстрациялар чизилган ҳикоялар тўплами, бўлган . Кейинчалик гравюралар мустақил йўналишга эришди ва театр постановкалари учун афиша сифатида ва ўрама мактублар (какэмоно) учун ҳам қўлланилди

Дастлабки укиё-э тасвирлар XVII-аср охирларида пайдо бўлди. Биринчи ишлар яратилишида тушдан фойдаланилган боис оқ-қора кўринишда, XVIII-асрдан бошлаб усталар қўлда кисть билан қизил бўёқда бўашган ва рангли кўриниш касб этган. Кейинчалик бир неча ранг қўлланган полихром босма техникаси нисики-э номини олган пайло бўлди, бу қаттиқ ипак матога босилган. Босма техника станолари етарли бўлганлиги ва кўп сонли тиражда нусха олинганлиги сабабли, кенг оммага асосан шаҳарликларга мўлжалланган бўлиб, гравюра нархлари жуда арзон бўлган. Европаликлар япон рассомларининг гравюраларини оммавий сотиб олишни бошлаганларидан кейингина маҳаллий халқ бу асарларнинг қийматини сезиб қолишиб, ўз юртдошлари яратган асарларни чет элликлардан қимматига сотиб олишди. Гравюра асарларини бир неча юз бир хил расмлар нусха тиражини олиш имконияти мавжуд, маҳаллий японлар бир ишни ер юзини бир неча нуқталарида учратиш мумкин ва буларнинг барчаси асл нусха ҳисобланишини билишган. Асарларнинг асосий талабгорлари шаҳарликлар бўлган, гравюрадаги сюжетлар мамлакатга хос бўлган инсонлар образи япон шаҳарлари ҳаёти, гўзал ёш аёллар, турмуш ҳолатлари, сумо полвонлари, кабук театр актёрлари, афсоналар асосида яратилган. Кейинчалик манзара ва ҳарбий батал мавзуларда асарлар яратила бошланди. Укиё-э асарлари нафақат санъат асарлари, балки муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди, уларга қараб томошабин Эдо даври ҳаёти ҳақида кўп нарсаларни илғаб олиш имкониятига эга. _Гравюраларни горизонтал ҳолатда кузатиб завқ олиш учун мўлжалланган, шу боис уларни деворга осибмаган, какэмоно (вертикал ўрама қоғоз ёки ипак матога туширилган тасвир, деворга осибмаган мўлжалланган) бундан истисно.

Япон гравюрасини яратиш техникаси. Япон гравюрасини яратиш жараёнида уч шахс иштирок этади: рассом, ёғоч ўймакор устаси ва босма устаси. Асар сифати ва гўзаллиги ҳар учала устага боғлиқ. Рассом шаффоф қоғозга композиция тасвирини тушда чизади, ўймакор уста қоғозни олча, нок ёки шамшот дарахтларидан тайёрланган тхачалар юзасига тушуриб, оқ қисмларини штихелда ўйди. Бу биринчи босма форма, босма устаси

тахтачнинг юза қисмига бўёқни суриб босимда гуруч қоғозга чоп этади ва шу тариқа бир неча нусха олинади. Ҳар бир ранг тус учун алоҳида форма тайёрланади.

Гравюранинг асосий жанрлари: Бидзин-га (美人が) – гўзал қиз ва жувонлар тасвири. Номланишидан маълумки асардаги асосий тасвир аёл образи.



Китагава Утамаро. Ёш аёл портрети.

Ёсивара кўнгил очар квартал бекаларидан; гейш,¹ куртизанлар² ва машҳур гўзал аёллар клуби бекаларидан. Ўша даврнинг типик гўзал аёллари юзларининг формаси овал, бироз эгилган бўйин ва кичик лаблар кўринишига эга бўлган. Композиция сюжетлардаги чиройли аёллар чой ичиш маросимини бажариш, оро бериш, сайр, ўйинлар ҳолатлари тасвирланган. Бу жанрда окуби (お首絵)- “катта бош” усули шаклланди, бунда қиз бола портрети катта планда тасвирланган. Уста рассомлардан Судзуки Харунобу, Тории Киёнага, Китагава Утамаролар бу йўналишда асарлар яратишган.

Якуся-э (役者絵)— машҳур театр актёрлари портрети. Тасвирда рассом аниқ белгиланган қаттиқ қонунларга риоя қилишлари яъни: ғилай кўзлар, тўда, нафратни билдирган, агар қаҳрамон рўмолчани тишлаган бўлса, бу кучли хошиш, юнгдорлик ҳайвонлардек ёввойи, назоратдан чиқиш ҳолптига шаъма.

Якуся-э гравюрасининг қизиқарли хусусиятларидан бири: қаҳрамонлар бошида сиёҳ рангли пятнони сезиш мумкин. Аслида бу пятно бош киймини билдирган, Эдо эркакларининг барчасидек пешана қисмининг қирилган, буни аёллар ролини ўйнаш учун эркак актёрлар бошига кийишган (маълумки кабуки- театрда барча ролларни шу жумладан аёллар ролини ҳам эркалар ижро этишган. Ушбу йўналишда ижол қилишган уста рассомлар: Тории Киёнобу, Кацукава Сёнсё, Тосюсай Сяраку, Утагава Тоёкуни.

¹ Гейш- Япоияда-профессионал актрисалар ва банкетлар хўжайкаси, анъанавий санъатни ўрганишган:ракс, кўшиқ, созанда, чой ичиш маросими, интеоектуал суҳбатлар қуришни пухта эгалашган. Меҳмонлар кўнглини очишган. Эркаклар билан яқин алоқага киришмаган

² Куртизанка- courtesane, итал.cortigiana, (“сарой аёли”)- билими, мулоқот маданияти юқори даражада, мустақил, энгилтабиат аёл, бадавлат ва амалдор жазманлари томонидан таъминланган

Сюнга (春画 «баҳор тасвирлари») — ишқий гравюралар. Японларда «укиё-э» сўзни эшитганларида тасаввурларида бирламчи сюнга жанрида ишланган расмлардаги образлар кўз олдига келади, кейин қолган бошқа жанрлар. Сюнга жанрида анатомик томонлари бўртирилган жуда очиқ ишқий сахналар, қаттиқ христиан удумларида тарбияланган европаликларни довдиратиб қўйган. Лекин бу ҳолат оммавий машхурлик билан алмашди, - Ғарбда бундай тасвирлар ҳеч қачон бўлмаганлиги сабаб бу хилдаги расмларни фаол сотиб олишган. Ушбу йўналишда ижод қилишган Уста рассомлар Хисикава Моронобу, Кацусика Хокусай, Китагава Утамаро, Судзуки Харунобу.

Катё-га (花鳥絵 — «гуллар ва қушлар»). Катё-га жанридаги асарларни Эдо даврининг флора ва фауна дунёсининг атласи деб аташ мумкин. Асосий қондаси иккита турли қуш ва гулларни тасвирлаш бўлган. Уста рассомлар: ОхараКосон, ДзякютюИто.

Фукэй-га (府警画)- манзара тасвири. Одатда туркум сюжетли ишлар яратилган, масалан: “Фудзиянинг 36 кўриниши”, “Ойнинг 100 кўриниши”. Уста рассомлар: Кацусика Хокусай, Андо Хиросигэ.

Муся-э (武者絵) — машхур самурайлар тасвири. Тарихий-қаҳрамонлик жанрга мансуб 1830 йилларда оммавий бўлган. Реал тарихий шахслар, хроника ва ўрта аср жанглари иштирокчилари тасвирланган. XIX – XX- асрлар чегарасида гравюралар оммавий информация воситаси сифатида хизмат қилган. Хитой ва Россия билан бўлган жангларидаги фронт ҳаракатлари ҳақида маълумотлар етказишда ўрни бўлган.

Уста рассом: Утагава Кунисэи.

Япон гравюраси ўзининг ривожлашининг дастлабки босқичида янги қирралари билан характерланади. Ҳеч қандай ортиқча нарса ўйлаб топилмаган, эмоция ва фикр-ғоялар очиқ, самимий ифодаланган. Шаклларнинг бироз қирралиги ва хийла қўполлиги баъзи техник камчиликлар “примитивизм” боғланган. Техник усуллар ва амалий-назарий билимлар илк бор тўқнаш келиб эгалланиши, шунга қарамасдан япон усталар кўп янгиликларни ихтиро қилганлари таҳсинга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Укийо-Е // Краткий словарь терминов изобразительного искусства / Под общей редакцией Г. Г. Обухова. — М.: [Советский художник](#), 1961. — С. 174. — 190 с. — 15 000 экз.
2. *А. Савельева*. Мировое искусство. Мастера японской гравюры. — «Кристалл», 2007. — 208 с. — 10 000 экз. — [ISBN 5-9603-0033-8](#).
3. *М. В. Успенский*. Японская гравюра. — Санкт-Петербург: «Аврора», «Янтарный сказ», 2004. — 64 с. — («Библиотека Авроры»). — 5000 экз. — [ISBN 5-7300-0699-3](#).
4. УКИЁ-Э // Япония от А до Я. Популярная иллюстрированная энциклопедия. (CD-ROM). — М.: Directmedia Publishing, «Япония сегодня», 2008. — [ISBN 978-5-94865-190-3](#).
5. [Картины ускользящего мира — укиё-э](#) — статья Галины Щедриной на сайте Artgalery.ru
1. [Что такое «укиё-э»?](#)
2. [«47 преданных самураев» в гравюрах Утагава Кунисэи Архивная копия](#) от 17 января 2013 на [Wayback Machine](#)